




Гулранг Бегим - Бобурнинг кизи. Онаси - Дилдор Бегим. Бобур ўлим тўшагида ётганида малика Мохимбегимга Гулранг Бегимни Эсонтемур Султонга ва Гулчехранни Тўхтабўга Султонга турмушга беришни васият қилган. Мохимбегим эрининг васиятини ижро этган. Хумоюннинг мажлиси ва зиёфатларида бошқа сингиллари катори Гулранг Бегим ҳам чап томонда ўтирган. Хумоюн Дехлини қўлдан чиқарганида хажга отланган. Аммо етиб боргани хақида маълумот йўқ. Хумоюн Кобулни қайтадан эгаллаган вақтда Гулранг Бегим ҳаёт бўлмаган.

"Бобур Энциклопедияси" китобидан